

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ  
МУНОСАБАТЛАРДАН ЮЗАГА КЕЛМАЙДИГАН НИЗОЛАРНИ  
КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ирода Мамаюсуповна САЛИМОВА**  
юридик фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Тошкент давлат юридик университети  
[helloiroda@mail.ru](mailto:helloiroda@mail.ru)  
Тошкент, Ўзбекистон  
ORCID: 0000-0002-8119-8308

**Аннотация**

Мақолада корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларниң процессуал хусусиятлари ёритилган. Жумладан, мазкур тоифадаги ишлар бўйича мурожаат қилиш муддатлари, даъво аризасининг мазмунига қўйилган талаблар, суд муҳокамаси ва унинг натижасида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик ишлари бўйича суд, маъмурий суд, даъво ариза, процессуал муддат, ҳаракат (ҳаракатсизлик), қарор, фуқаролик суд ишларини юритиш, давлат божи, ҳал қилув қарори.

**ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАССМОТРЕНИЯ СПОРОВ,  
НЕ ВЫТЕКАЮЩИХ ИЗ ПУБЛИЧНЫХ ПРАВООТНОШЕНИЙ В  
ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ**

**Ирода Мамаюсуповна САЛИМОВА**  
доктор философии (PhD) по юридическим  
наукам

Ташкентский государственный юридический университет  
[helloiroda@mail.ru](mailto:helloiroda@mail.ru)  
Ташкент, Узбекистан  
ORCID: 0000-0002-8119-8308

**Аннотация**

В статье рассмотрены процессуальные особенности производства по делам об оспаривании решений предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений и действий (бездействия) их должностных лиц, не возникающих из административных и иных публичных правоотношений. В частности, были проанализированы сроки подачи заявления, требования к содержанию искового заявления, специфика судебного разбирательства и принятное в результате него решение по данной категории дел.

**Ключевые слова:** суд по гражданским делам, административный суд, исковое заявление, процессуальный срок, действие (бездействие), постановление, гражданское судопроизводство, государственная пошлина, решение.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [5] ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон, “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон Фармонлари [6] билан мамлакатимизда суд тизими ихтисослаштирилиб, илк бор 2017 йил 1 июндан маъмурий судлар ўз фаолиятини бошлади ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар ваколатига тааллуқли бўлган “Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш” тури маъмурий судлар ваколатига ўтказилди. Маъмурий судлар ушбу тоифадаги ишларни 2018 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси бўйича мазкур тоифадаги ишлар учун белгиланган процессуал қоидалар асосида кўриб ҳал қилган.

Суд-хуқуқ ислоҳотларининг кейинги босқичида 2018 йил 22 январда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси [3], 2018 йил 25 январда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси [4] қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 26-моддасига кўра маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг тааллуқлилиги белгиланди.

Бироқ, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг харакат-харакатсизлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги масаласи белгиланмади. Кейинчалик суд амалиётида ушбу ишларнинг тааллуқлилигини аниқлашдаги қийинчиликлар, турли хил ёндашувларнинг

шаклланиши ва таҳлил қилиниши мазкур тоифадаги ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича суд ёки маъмурий судларга тааллуқлилик чегарасини аниқ белгилаш ва процессуал қонунчиликка киритиш заруратини келтириб чиқарди.

Натижада ФПКга Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-496-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги Қонуни [1] билан “Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш хусусиятлари” номли 23<sup>1</sup>-боб киритилди. Одатда ушбу тоифадаги ишлар бўйича даъво аризалари таълим муассассалари, банк муассасалари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат фондлари, жамоат бирлашмалари қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилади.

Мазкур тоифадаги ишларга суд амалиёти материалларидан мисол келтирамиз:

“Ш.Б. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 2 октябрдаги хизмат текшируви ўтказишдаги хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб ҳисоблаш ва хизмат текшируви хулосасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд ушбу талаб меҳнат низоси эмаслиги ва низо маъмурий судга тегишли эканлигини асос қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 124-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатган ва маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Апелляция инстанцияси суди 2019 йил 29 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 25 декабрдаги ажрими бўйича суд ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, аризачи Ш.Б. вилоят божхона бошқармасида инспектор лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг 2006 йил 4 декабрдаги 365 ш/т-сонли буйруғига асосан Ш.Б. Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари интизомий Уставининг 16-банди “ж” кичик бандига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Ш.Б. ишдан бўшатилганлиги ва меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаганлигидан норози бўлиб юборган шикояти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2012 йил 27 сентябрдаги хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан хизмат текшируви ўтказилган ва 2012 йил 2 октябрда хулоса тасдиқланган.

Хизмат текшируви хулосасида вилоят давлат божхона бошқармаси кадрлар бўлими масъул ходимлари Я.Ш ва Н.М томонидан Ш.Б. ишдан бўшатилганидан кейин унга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаган ва “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги аниқланган [7]. Шунингдек, иш ҳужжатларига кўра мазкур талаблар бўйича маъмурий судга мурожаат этилганида, иш фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эканлиги кўрсатилиб аризани қабул қилиш рад этилганлигини қайд этиш даркор. Кўриб турганимиздек, суд амалиётида низонинг фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқлилиги тўғрисида муаммоли вазият юзага келган. Бироқ, ушбу шикоятдаги талабларда мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-харакатлари ва қарорлари оқибатида бузилган меҳнатга оид ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклашдан иборат эканлиги судининг эътиборидан четда қолган.

Мазкур тоифадаги ишлар суд томонидан ФПК 23<sup>1</sup>-бобда белгиланган айрим истисно ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари – ФПКнинг биринчи бўлимида мустаҳкамланган процессуал институтлар, хусусан даъво тартибида юритиладиган ишларда қўлланиладиган умумий қоидалар асосида кўрилади. Шунинг учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар даъво тартибида юритиладиган ишлар билан умумий процессуал хусусиятларга эга. Жумладан, мазкур тоифадаги ишлар ҳам даъво аризаси асосида қўзғатилади, тарафлар даъвогар ва жавобгар деб номланади, ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори чиқарилади. Ўз навбатида, ушбу тоифадаги ишлар бўйича мурожаат қилиш муддатлари, даъво аризасининг мазмунига қўйилган талаблар, суд мухокамаси ва унинг натижасида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмuni даъво тартибида, шунингдек бошқа тоифадаги фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан фарқ қиласди. Қўйида мазкур процессуал хусусиятларга тўхталиб ўтамиш:

**Биринчидан:** мурожсаат қилиши муддатлари. ФПКнинг 151-моддасига кўра, процессуал муддатлар иккига бўлинади: қонунда белгиланган ва суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар. Одатда, процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилади. Бироқ, процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда, улар суд томонидан тайинланади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаронинг ўз хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида унга маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичida судга берилиши мумкин. Мазкур муддат қонунда белгиланган процессуал муддат ҳисобланади. Ушбу муддат ўтгандан сўнг судга тақдим этилган даъво ариза ва хужжатлар, агар ўтказиб

юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса ёки уни қаноатлантириш рад этилган бўлса, уни тақдим этган шахсга қайтарилади.

Бироқ, муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлиб, узрли сабабларга кўра ушбу муддат ўтказиб юборилган тақдирда суд томонидан тикланиши мумкин. Узрли сабаблар рўйхати фуқаролик процессуал қонунчилигига қатъий белгиланмаган. Хизмат сафари ёки ҳарбий хизматда бўлганлик, касаллик ва бошқа ҳолатлар туфайли даъво аризасини ўз вақтида тақдим эта олмаганлик суд томонидан узрли сабаблар деб ҳисобланиши мумкин. Узрли сабабларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар даъво аризасига илова қилиниши шарт. Суд мазкур ҳолатда алоҳида процессуал ҳужжат шаклида ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради.

**Иккинчидан**, даъво аризасининг мазмунига қўйилган талаблар. Умумий қоидага кўра мазкур тоифадаги ишлар бўйича даъво аризаси ФПКнинг 189-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бироқ, мазкур умумий талаблардан ташқари, ушбу тоифадаги ишларнинг процессуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда даъво аризасида:

низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг номи кўрсатилади. Ушбу ҳолатда суд томонидан низолашилаётган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган мансабдор шахс ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинади. Бироқ, даъвогар даъво аризада жавобгар сифатида низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасини кўрсатмасдан, тўғридан-тўғри мансабдор шахсни келтириши мумкин. Ушбу ҳолатда даъво аризада мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилиши лозим;

низолашилаётган қарорнинг асосий реквизитлари (унинг номи, рақами, қабул қилинган санаси), шунингдек низолашилаётган ҳаракатлар

(харакатсизлик) содир этилган сана ва жой тўғрисидаги маълумотлар келтирилади;

даъвогарнинг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (харакатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби, низолашилаётган қарор, ҳаракатлар (харакатсизлик) билан унинг қайси хукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилаётганлиги ва ушбу ҳолат қайси қонунчилик нормаларига зидлиги кўрсатилади.

*Учинчидан, даъво аризасига илова қилинаётган ҳужжатлар доираси.* ФПКнинг 191-моддасига кўра, мазкур тоифадаги ишлар бўйича даъво аризасига арз қилинаётган талабларга асос бўлган ҳолатларни, яъни қарорни ҳақиқий эмас, мансабдор шахснинг ҳаракат-ҳаракатсизлигини қонунга хилоф эканлигини, давлат божи ва почта ҳаражатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини шунингдек ариза вакил томонидан имзоланган бўлса унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари, низолашилаётган қарорнинг матни илова қилиниши лозим.

*Тўртинчидан, давлат божи миқдори.* Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни [2]да корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) юзасидан низолашиб тўғрисидаги даъво аризалиридан қанча миқдорда давлат божи ундирилиши алоҳида кўрсатилмаган. Мазмунан номулкий хусусиятдаги талабларга кирганлиги учун суд амалиётида БХМнинг 2 баравари миқдорда давлат божи ундирилмоқда.

Ўз навбатида, қайд этиш лозим, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини ундириш объектларидан бири сифатида давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хукуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан берилган

аризалар (шикоятлар) кўрсатилиб, суд қарори чиқарилаётганда айбор тарафдан БХМнинг 1 баравари миқдорида ундирилиши белгиланган. Бироқ, мазкур тоифадаги ишлар маъмурий судлар ваколатига ўтказилганлиги, аксинча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли эканлиги инобатга олинмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартиш киритиб ушбу нормани фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини ундириш обьектлари доирасидан чиқариш ва унинг ўрнига корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаларини киритиш мақсадга мувофиқ.

***Бешинчидан, суд муҳокамаси ва ҳал қилув қарорининг мазмuni.*** Суд муҳокамаси фуқаролик процессининг мустақил босқичи бўлиб, суд мажлисида ўтказилади. Судья мазкур тоифадаги ишларни кўришда низолашилаётган қарор (айrim қисмлари) ёки мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунийлигини, уларнинг ваколатларини, ушбу низолашилаётган қарор ёки ҳаракат(ҳаракатсизлик) билан фуқароларнинг қайси хукуqlари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган-бумаганинги аниқлади. Умумий қоидага кўра, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори ФПКнинг 23-боби (249 – 270-моддалар)да назарда тутилган қоидалар бўйича чиқарилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича суднинг:

*даъво талабларини қаноатлантириши тўғрисидаги ҳал қилув қарори –* низолашилаётган қарор ёки унинг айrim қисмлари ёхуд ҳаракатлар

(харакатсизлик) қонунчилликка зид эканлигини ҳамда даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлиги;

*даъво талабларини қаноатлантиришини рад этиши тўғрисидаги ҳал қилув қарори* – низолашилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (харакатсизлик) қонунга мувофиқ эканлиги ҳамда даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлиги аниқланган ҳолларда чиқарилади.

Суд томонидан даъво талабларини қаноатлантириш рад этилганда низолашилаётган қарор тўлиқ ёки қисман (унинг айрим қисмлари) ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатлар (харакатсизлик) қонунга хилоф деб топилиши мумкин.

ФПКнинг 253-моддасида ҳал қилув қарорининг мазмунига қўйилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хulosса қисмаридан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида иш рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган вақт ва жой, ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи, судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми, суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилиади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисми ўзида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътиrozлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини акс эттириши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хulosалари асосланган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни рад қилганлиги ҳақидаги хulosалари, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши керак. Арз қилинган талаб жавобгар томонидан тан олинган тақдирда, асослантирувчи қисмда фақат арз қилинган талабнинг тан

олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Даъво талабарини қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг номи ёки ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, низолашилаётган қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, низолашилаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

низолашилаётган қарорнинг тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатлар(ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилганилиги;

тегишли корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд даъвогарнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг йўл қўйилган бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш мажбурияти;

суд ҳаражатларининг тақсимланиши;

ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби кўрсатилиши керак.

Даъво талабарини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида низолашилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлиги ҳамда даъвогарнинг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлиги асослантирилиши лозим.

Юқоридаги таҳлилларга асосан хulosса ўрнида айтиш мумкинки, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳукуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш ўзига хос процессуал хусусиятларга эга. Ўз навбатида, мазкур тоифадаги

ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини аниқлаш – суд амалиётида ушбу низоларни фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан, шунингдек маъмурий судларга тааллуқли бўлган оммавий-ҳукуқий ва бошқа маъмурий-ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолардан фарқлаш имконини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек “Фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябр ЎРҚ-496-сон Қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон // <https://lex.uz/docs/3977628>.
2. Давлат божи тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январ Қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон // <https://lex.uz/docs/4680944>.
3. Фуқаролик процессуал: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январ Кодекси. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон // <https://lex.uz/docs/3517337>. 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кирган.
4. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Кодекси. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон // <https://lex.uz/docs/3527353>. 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кирган.
5. Суд-ҳуқук тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил

21 октябр ПФ-4850-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда // <https://lex.uz/docs/3050491>.

6. Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 феврал ПФ-4966-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда // <https://lex.uz/docs/3121087>.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг 2020 йил 30 январдаги РС-01-20-сон Қарори 2-иловаси // <https://lex.uz/docs/4953970#4954335>.